

ХОРАЗМ ВОҲАСИ АҲОЛИСИ МУСИҚА САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФАСИГА ОИД ЧИЗҒИЛАР

Аннотация. Мақолада Қўйи Амударё регионида аҳолининг антик давр музика санъати тарихи ёритилган.

Калит сўзлар: Ал-Истахрий, Навоий, Караматов Ф, Акбаров И, Рамоновская Е.Е, Садоков Р.Л, Матякубова Г, Қурбанова Д.Ш, Собиров Қ, Митт, Турон, ал-Муқаддасий, ал-Истахрий, Қизилқум, Қорақум, Хоразм, Қўйқрилганқала, Тупроққала.

РИСУНКИ НА СТРАНИЦЕ ИСТОРИИ МУЗЫКАЛЬНОГО ИСКУССТВА ЖИТЕЛЕЙ ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА

Аннотация. В статье освещены истории музыкальных искусств население в регионе Низовья Амударьи.

Ключевые слова: Ал-Мукаддаси, ал-Истахри. Навои, Караматов Ф, Акбаров И, Рамоновская Е.Е, Садоков Р.Л, Матякубова Г, Курбанова Д.Ш, Сабиров К, Митт, Туран, Кызылкум, Каракум, Хорезм, Кой-Крылганкальа, Тупроққала.

DRAWINGS ON THE PAGE OF THE HISTORY OF THE ART OF MUSIC OF THE INHABITANTS OF THE KHOREZM OASIS

Annotation. This verse says that people living in Makkah have no right to worship idols and idolatry.

Keywords: Al-Istakhri, Navoi, Karamatov F, Akbarov I, Ramonovskaya Ye.E., Sadokov R.L, Matyakubova G, Kurbanova D.Imam Hussein (peace and blessings of Allaah be upon him) was one of the companions of the Prophet Muhammad (peace and blessings of Allaah be upon him), may Allaah bless and greet him.

Кириш. Турон пасттекислиги шимоли-ғарбидан жанубий томон чўзилиши туфайли Қизилқум ва Қорақум оралиғида географик ўринни эгаллаган Хоразм текислиги, қўшни худудлардан алохидалик хусусияти ватанимиз харитасида ўз маъносига эга эканлигини тушуниш қийин эмас. Шундай географик хусусияти, иқлим шароити, табиий ресурслари захираси, сув таъминоти, аҳолининг жойлашишини акс эттирган бўлса ҳам, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятида ўзига хос тарихий ўринга эга. Амударёнинг минг-минглаб йиллар мобайнида сув таркибидаги минерал моддаларни қамраб олган лойқаларни ётқизиши натижасида таркиб топган сернам ва серунум текисликда ўрнашган аҳоли сунъий суғорма дехқончилик, хунармандчилик ва шаҳарсозлик маданияти соҳасида эришган натижалари Хоразм экспедицияси нашрларида ўз маъносини топган. Қишлоқ ва шаҳарлар аҳолининг марказлашган маконлар бўлиб, хўжаликнинг барча тармоқлари ҳамда маънавиятида турли билимларнинг, хусусан музика санъатининг вужудга келиши ривожланишини тасвир қилган мезонлар бўлган. Мақолада воҳа аҳолисининг антик давр музика санъати тарихини ёритиш мақсад қилинган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ўтган аср адабиётлар ва ХХІ аср бошларида чоп қилинган нашрларда ўрин олган тарихий маълумотларни назарий-қиёсий таҳлил асосида вужудга келган инновацион қарашлар ва ёндошувлар асосида ушбу мавзу маъносини ёритиш мумкин.

Воҳа аҳолисининг Қизилқум ва Қорақум оралиғида жойлашиши натижасида уларнинг маънавиятида шаклланган хусусиятлари, турмуш тарзи масалалари араб географлари ал-Муқаддасий ҳамда А.Навоий асарларида акс этган. X аср иккинчи ярмида келган ал-Муқаддасий воҳа аҳолисини 30 дан зиёд қишлоқ ва шаҳарларини қайд қилиб, уларда истиқомат қилган аҳолининг бунёдкорлик фаолиятларини хайратомуз сифатида қайд қилган эди. [1. 1939-С.181]. Иккинчи араб географи ал-Истаҳрий, Хоразм аҳолиси кўшни ҳудудларга тарқалган, ҳамда сайёҳат қиладилар [2. 1948-С.180]. Темурийлар даври буюк мутафаккири, ўзбек тили асосчиси А.Навоий шеърини тўпламида воҳа аҳолиси ҳаётида музиканинг юксак даражага кўтарилгани тўғрисида хулосаларини қайд қилган. [3. 1948-С.405-409]. Ф.М.Кароматов хулосасига кўра, Хоразмда дostonлар ёрқин музика жаранглари билан уйғунлашган [4. 1969-С.39]. Музика санъати тарихи тадқиқотчилари И.Акбаров [5. 1961-С.13]., Е.Е.Рамоновская [6. 1957-С.42]., Р.Л.Садаков [7. 1960-С.128]. Г.Матякубова [8. 1993-Б.63, 9.2015-Б.105, 10. 2017-Б. 43-47] асарларида Хоразм воҳаси аҳолиси таркибидан алоҳида ажралиб чиққан намоёндаларини турли вазифани бажарадиган музика чолғулардан эпчиллик билан фойдаланганликлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини изохлаганлар. Д.Ш.Қурбонова монографиясида Қуйқрилганқала ва Тупроққалада уй-хоналаридан қозишма йули натижасида арфа, уд каби чолғу асбоблари мил.авв.IV ва милодий III асрларга оидлигини қайд қилган. Демак, ҳозирги замонда музика санъати вакиллари томонидан байрам, тўй базмларида ишлатилаётган чолғу асбобларнинг тарихи милoddан авв-ги IV аср билан боғланиб, тарихий давр, унинг босқичларида янада такомиллашган, уларнинг оҳанглари уйғунлашган ҳолда ҳозирги замонга етиб келган.

Тадқиқот методологияси:

Объективлик, тарихий-хронологик изчиллик, назарий-қийосий таҳлил, умумлаштириш, мунозара, мантиқий хулоса, археология, этнография фани натижаларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар : Хоразм заминида сўнгги тош даврдан илк ўрта асргача тарихий даврда кундалик фаолиятларни олиб борган ибтидоий овчилар маънавиятида илк мусиқий билимларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишида табиат ҳодисалари, сув хавзалари соҳили этагида қамишлар ва чакалакзорларнинг шамол таъсирида хилма-хил оҳанглари, сайроқи хилма-хил кушлар ва сув ичишга келган ёввойи ҳайвонларнинг теварак-атрофни қамраб олган овозларини уйғунлашиши муеносабати билан мусиқа билимининг ўзига хос тарихий ўринга эга эканлиги тўғрисида тарихий маълумотлари асосида аجدодларимиз кундалик фаолиятларида ўрин олган музика санъати тарихи таҳлил қилинди.

Мавзу мазмунини қамраб олган тарихий маълумотларга таянган ҳолда қуйидаги натижаларни қайд қилиш мумкин:

Хоразм замини шимолида жойлашган Султан Увайс тоғи этагига уланган ҳудуд ибтидоий одамлар Бурли-З маконида ўрнашиб, табиат ҳодисалари таъсирида илк мусиқий билим куртаклари вужудга келган.

Мил.авв-ги V минг йиллик охири III минг йиллик биринчи ярмида Оқчадарё хавзаси, Сарикамишбўйи, Узбой ва Туямўйин ҳудудларида аҳоли турар-жойларда истиқомат қилиб, марказда оташгоҳ атрофида тўпланиб, маънавиятда музика билимини янада ривожлантириш кейинги тарихий даврларда давом этган.

Мил.авв.VI аср сўнгги чорағи – V асрларда аҳоли турар-жойларида аҳолининг музика соҳасида билимига оид манбалар ишланмаган

-Мил.авв.IV – милодий III асрларда Қуйқрилганқала ва Тупроққала дгорликлари аҳолиси таркибиде музикачилар гуруҳи фаолият олиб бориб, музика санъати мактаби шаклланганлиги тўғрисида натижалар қайд қилинди.

Хулоса ва таклифлар:

Мавзу бўйича хулосалар қуйидагича изохланди:

-Воҳа аҳолиси маънавиятида вужудга келган мусиқий билимнинг тарихи узун;

-Сўнгги тош даври она уруғи жамоаларининг табиат ходисалари, турли хил жонзотлар оҳанглари умумлашган туйғулар мусиқа билимига асос бўлган, неолит, бронза ва темир даврларида турар-жойларда ўрнашган аҳоли уй ички қисмида "Оташгоҳ" мусиқий билимларнинг ривожланишга кенг имконият яратган;

-Антик даврда Қуйқирлганқалъа ва Тупроққала аҳолиси таркибидан ажралиб чиққан бир гуруҳ вакиллари-махсус музикачилар турган чолғу асбобларни ишлатиб, билимларини кенг намоён қилганлар.

Таклифлар қуйидагича қайд қилинди:

1.Хоразм замини географик ҳолатини кенг маънода ўрганиш;
2.Ибтидоий манзилгоҳлар замиридан ўсиб чиққан турар-жойларнинг вазифасини кенг ўрганиш;

3.Антик давр музика чолғу воситаларнинг тарихий илдизи ҳозирги замонда акс этишини изоҳлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Митт-Материалы по истории Туркмен и Туркмении. Труды Института востоковедения Академии Наук СССР. Источники по истории народов СССР-М-Л, "Наука," 1939.Т-1.

2.Навои. Семи планет. Пять поэм-М.1948.

3.Ал-Истахрий "Китоб ал Масалик ал-Мамолик // Арабские источники VII-X веков-М-Л, Наука, 1960.

4.Кароматов Ф. О локальных стилях Узбекской народной музыки //Музыка народов Азии и Африки-М, Наука, 1969.

5.Акбаров И. Узбекская народная музыка //Вопросы музыкальной культуры Узбекистана-Ташкент. 1963.

6.Рамоновская Е.Е. Музыка Хорезма //Записи музыкального фольклора-Ташкент, 1957.

7.Садоков Р.П. Музыкальная культура древнего Хорезма-М:Наука, 1970.

8.Матякубова Г. Офатижон "Лазги"-Тошкент, 1993.

9.Қурбанова Д.Ш. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти (археологик, ёзма ва этнографик манбалар асосида-Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти-Тошкент, 2015.

10.Собиров Қ. Қадимги Хоразм аҳолиси мусиқа ва рақс санъати тарихи саҳифасидан. //Буюк ипак йўли бўйлаб халқаро туризмнинг барқарор ривожланишида маданий-мероснинг тутган ўрни" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами- Хива 2017.